

ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Шакирова Фароғат Болтаевна,
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), ўқитувчи
E-mail: farogat_1973@mail.ru

Исмаилходжаев Анвар Ибрагимович,
ТТЙМИ кафедра мудири, и.ф.н., доц.

Аннотация: Ушбу мақолада инновация тушунчалари таҳлили асосида муаллифлик таърифи шакллантирилган. Шунингдек, инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва уни баҳолашнинг назарий жиҳатлари, инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлик даражаси ёритиб берилган.

Аннотация: В этой статье сформулировано авторское описание, основанное на концепции инновации. А также, описана связь теоретические аспекты эффективности инновационного экономического роста и его оценка, связь инновационного развития с устойчивым экономическим ростом

Abstract: In this article, an author's description based on the concept of innovation is formulated. And also, the connection between the theoretical aspects of the effectiveness of innovative economic growth and its evaluation, the connection of innovative development with sustainable economic development.

Калит сўзлар: инновациялар, инвестициялар, инновацион харажатлар самарадорлиги, барқарор иқтисодий ўсиш.

Кириш

Жаҳонда анъанавий, чекланган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган иқтисодий ресурслар ҳажми қисқариб бораётган шароитда иқтисодиётни инновацион омиллар асосида барқарор ўсишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиётида барқарор иқтисодий ўсишни инновацион омиллар ҳисобига таъминлашда Швейцария, Швеция, Нидерландия, АҚШ, Буюк Британия, Дания, Сингапур, Финляндия, Германия ва Ирландия (глобал инновацион индекс бўйича етакчи) каби мамлакатларда бой тажриба тўпланган [1]. Дунё аҳолисининг ўсиб бориши, экологияни ёмонлашуви, инвестицион фаолликнинг кучайиши, иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш, инсон капитали ва энг илғор, юқори технологияларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтишни тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида олдинги тизимдан мерос бўлиб қолган, маънавий ва жисмоний эскирган асосий воситаларни юксак даражадаги замонавий техника ва юқори технологияларга алмаштириш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали инновацион иқтисодиётга ўтиш борасида катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг қабул қилиниши [2]. 2018 йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам мазкур йўналишда қўйилган муҳим қадамдир. Зеро, «Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан

бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак»[3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида атрофлича ўрганилган. Масалан, Австриялик олим Й.Шумпетер ўзининг инновациялар ва иқтисодий ўсишга оид назарий қарашларида инновацион фаолиятнинг асосий вазифаси сифатида технологик ва иқтисодий инновациялар, иқтисодиётни даврийлик динамикасида инновацияларнинг ўрни, уларга иқтисодий қонунларнинг таъсири ва уларни бошқариш кабилар устида тадқиқот ишларини амалга оширади[4].

Америкалик иқтисодчи олим С.Кузнец 1980 йилларда «даврга оид инновациялар» тушунчасини иқтисодий фанга киритди, унинг таълимотига кўра, иқтисодиёт ривожланишининг муайян даврида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг даражасини ошириш асосини даврга оид инновацияларни жорий этиш ҳисобланади, унинг манбаи эса илм-фан эканлиги кўрсатган эди[5]. С.Кузнец фикрича, муайян даврга оид инновацияларнинг жорий этилиши ижобий самара бериши билан биргаликда унинг салбий таъсири бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда инновацияларни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқаришга жорий этилишида давлатнинг иштироки муҳим ҳисобланади. Илмий-техникавий инновацияларнинг иқтисодиётга мунтазам жорий этилиши барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиш билан бирга, жамиятда ишсизлик, танглик, янги авлод мутахассисларини шакллантириш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Олим инновациялар назариясига оид Й. Шумпетер ғояларини янги ёндашувлар билан бойитди.

Инновация назариясини шаклланиши ва ривожланишини биринчи бўлиб П.А.Сорокин: инновациянинг ривожланишини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар билан бирга, давлатлар ўртасидаги урушлар, илмий янгиликларни очилиши ва кашфиётлар эканлигини таъкидлайди. Хусусан, у ўзининг “Ижтимоий ва маданий ўзгаришлар суръати” номли асарида кишилик жамияти беш минг йил давомида эришилган энг йирик янгиликларни алоҳида-алоҳида очиб беради[6]¹. У мазкур асар доирасида амалга оширган хулосаларга таяниб шундай фикрга келдики, агар ҳар қандай инновацион ривожланиш жамият ва шахслар учун иқтисодий манфаатдорлик келтирадиган бўлса унга молиявий жиҳатдан маблағ топиш мумкинлиги ва ушбу ҳаракатлар ҳар қандай шароитда ўзининг натижасини беришини тасдиқлайди. Бунга амалиётдан жуда кўп мисоллар келтиради. Хусусан, инсониятнинг ойга ва космосга чиқиши, атом қуролларини яратиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, илмий абстракция, монографик кузатув усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Классик иқтисодий назария асосчиларидан бири А. Смит янги технологияларга, яъни инновациялар ёрдамида самарали рақобат механизмига ўтиш иқтисодий

¹Сорокин П.А. Социальная и культурная динамика. Спб., СПбХГУ, 2000.

Ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган [7]. Агар бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг инвестицияларни жалб қилиб, уларни янги техника, технология яратишга йўналтириш, инновациялар асосида ўзининг бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш орқали рақобатдош бўлишини, инновациялардан янги бозорлар очиш учун курашда амалий омил сифатида фойдаланаётганини ҳисобга олсак, унинг ушбу таълимоти ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Инновацион иқтисодиёт 1920 йилларнинг охири 1930 йилларнинг бошларида иқтисодий фан сифатида шаклланди, иқтисодчи олим Н.Кондратьев техника соҳасида юз бераётган ўзгаришлар иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидлаган эди [8]. Иқтисодчи мамлакатда инновацион «масса»нинг тўпланиб қолган ва уни жорий этишнинг иқтисодий шарт-шароитлари вужудга келганини эътироф этган.

Иқтисодий фанда «инновация»нинг моҳиятини илк бор австриялик олим Й.Шумпетер қуйидагича таърифлайди: «Инновация – мавжуд жараёнга янгича қараш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт, ишланма ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни муайян жараёнга қўллаш». Унинг фикрича, иқтисодий фаолиятга айнан инновацион ёндашув ҳар бир давр иқтисодий тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Й.Шумпетернинг назариясида тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омили сифатида қаралади. Шунингдек, тадбиркорларнинг вазифаси янги товарлар ёки эски товарлар янги услубда ишлаб чиқариш учун ихтиролардан фойдаланиб, янги хомашё ва материаллар манбалари ёки янги бозорлар очиб, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришдан иборат. Олим инновациялар, тадбиркорлар туфайли иқтисодиётда инқилобий ўзгаришларни содир этишини башорат қилган [4].

Иқтисодий адабиётларда инновацияларга берилган таърифларни қиёсий таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган.

Инновацияга оид таърифлар эволюцияси таҳлили²

Муаллифлар	Тадқиқот объекти сифатида	Инновацияга таъриф	Изоҳ
Б.Брайан	Жараён	Интеллектуал товар – ихтиро, ахборот, ноухау ёки ғоя иқтисодий мазмунга эга бўладиган жараён	Ушбу таърифга кўра, ижтимоий-иқтисодий самара бўлиши ва ғоя сотилиши лозим.
Б.Санто		Ижтимоий, техник, иқтисодий жараён. Хусусиятлари бўйича яхшироқ маҳсулотлар, технологиялар яратилишига олиб келадиган ғоялар, ихтиролардан амалий фойдаланиш, иқтисодий манфаат, фойда олишга қаратилган. Қўшимча даромад, фаолият турларининг барча спектри тадқиқот ва ишланмалардан маркетингга қамраб олади	Ушбу таърифда маҳсулотнинг бозордаги ҳаракати тадқиқ этилмаган. Ишлаб чиқариш, кадрлар, транспорт воситалари ҳисобга олинмаган
Н.Лапин	Тизим	Инновация кишиларнинг маълум эҳтиёжини яхшироқ қондириш учун янги амалий	Ушбу ёндашувларда инновация аниқ моддий

²Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси

		воситани яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёни деб таърифланади	объект сифатида кўриб чиқилмаган, ташкилий бошқарув, ижтимоий ва бошқа инновациялар ўрганилмаган
Ф.Валента	Ўзгариш	Инновацияга ишлаб чиқариш механизмининг бошланғич тузилмасидаги ўзгаришлар, жумладан, унинг ички тузилмасининг янги ҳолатга ўтиши: технологиялар, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, ташкилотнинг касбий ва малакавий тузилмаси; ижобий ва салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга эга ўзгаришлар сифатида қаралади	Янги хомашё турлари, янги бозордан фойдаланиш имконияти ҳисобга олинмаган. Инновация маъносини йўқотувчи салбий оқибатлар юзага келиши мумкинлиги қайд этилган
И.Волдачек		Корхона фаолиятини тизим сифатида мақсадли ўзгартириш (миқдор, сифат ва фаолиятининг ҳар қандай соҳасида самара)	Янги хом ашёга, товар ва хизматлар, сотиш бозорларига киритилган ўзгартиришлар
А.Левинсон	Натижа	Олдиндан амалга оширилган илмий, амалий, ташкилий иш натижаси	Салбий оқибатлар эҳтимоли ҳисобга олинмаган.
Л.Гохберг		Инновация фаолиятининг бозорда жорий қилинган янги ёки такомиллашган маҳсулот кўринишида намоён бўлган якуний натижаси. Амалий фаолиятда қўлланадиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнларга янгича ёндашув	Ҳоя пайдо бўлишдан амалиётга жорий этишгача бўлган жараённи босиб ўтиши лозим

Юқорида берилган таърифлардан келиб чиқиб, «Инновация — инсоннинг ақл-заковати, ишлаб чиқариш тажрибаси негизида яратилган, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, айти вақтда, иқтисодий-ижтимоий самара келтираётган интеллектуал мулк кўринишидаги янгиликлар, ихтиролар, кашфиётлар, ғоялар ва янгича ёндашувлар мажмуасидир», деган муаллифлик таърифи шакллантирилди. Агар инновацион ғоя яратилсада, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмаса, ўзининг иқтисодий нафлигини исботламаса, инновация ҳисобланмайди. Яратилган инновациялар тижоратлаштирилиб, амалиётга татбиқ этилиб, иқтисодий-ижтимоий самара бергандагина уларни инновациялар деб, ҳисоблаш мумкин.

Ушбу таъриф мазмунига кўра, инновациялар ғоялар, ишланма, кашфиётлардан иборат бўлмай, балки инновациялар таркибига умум тараққиётга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва мулк объектларини самарали амалга оширишга оид ташкилий-бошқарув тавсифдаги мутлақо янгича инновацион ёндашув ва тамойилларни ўзида мужассам этади.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари, уларнинг иқтисодий ўсишдаги улушлари тўғрисида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, мамлакатимизда айнан инновацион ривожланишнинг иқтисодий ўсишдаги улушини аниқлашнинг илмий-назарий жиҳатлари чуқур ўрганилмаган.

Маълумки, жорий молия йили ўтган молия йилида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмига қўшимча ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор баҳоси ЯИМ мутлақ ўсишидир. Ушбу ўсиш ЯИМнинг мутлақ кўпайишидир, бироқ у самарали иқтисодий ўсишни англатмайди.

Нисбий иқтисодий ўсиш иқтисодий ўсиш барқарорлигини ифодалаб, у қандай фаолият ёки қандай ресурс харажати ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини англатади. Бундай ресурс харажатлари таркибига инновацион фаолият ва инновацион ресурслар сарфи ҳам киради. Мазкур таҳлилда, инновацион сарф-харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш долзарб масала саналади.

Инновацион харажатлар самарадорлиги ва унинг даражасини аниқлашда иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг умум методологик, назарий асосларидан фойдаланилади. Яъни инновацион фаолият «натижа»сини унга қилинган «харажатлар»га нисбати орқали аниқланади.

ЯИМнинг кўпайган қисми ($\Delta ЯИМ$) бу ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ($ЯИМ_2$) ЯИМ ҳажми билан базавий йилда ишлаб чиқарилган ($ЯИМ_1$) ЯИМ ҳажми ўртасидаги фарқ, яъни:

$$\Delta ЯИМ = ЯИМ_2 - ЯИМ_1$$

ЯИМнинг мутлақ кўпайиши албатта ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг ҳам кўпайиши, ортиши (ΔW) ҳисобига эришилади. Харажатларнинг ортиши (ΔW) жорий ҳисобот йилида ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми билан базавий йилда ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta W = \Delta W_2 - \Delta W_1$$

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, инновацион фаолият самарадорлиги $\Delta ЯИМ$ нинг Δ инновацион харажатларга нисбатида, унинг даражаси эса фоиздаги ифодаси сифатида аниқланади, яъни:

$$\text{Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлиги} = \frac{\Delta ЯИМ}{\Delta \text{инновацион харажатлар}}$$


Ушбу формула инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ҳисобига олинган ЯИМ ўсишини ифодалайди.

Агар шу нисбат аксинча нисбатда ифодаланса, инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини аниқ баҳолайди, яъни:

$$\text{Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини баҳолаш} = \frac{\Delta \text{инновацион харажатлар}}{\Delta ЯИМ}$$

Ушбу баҳолаш инновацион харажат бирлигига олинган ЯИМ ўсишини ифодалайди.

Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш ялпи ички маҳсулотни мутлақ ортишига боғлиқ бўлмай, инвестицияларни инновацион фаолиятни жонлантиришга йўналтириш асосида инновацион ривожланишга эришиш ва улар негизда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.



Расм. Инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлик даражаси³

Юқорида берилган расмдан кўринадикки, инновациялар яратишнинг бошланғич ҳалқаси инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи ва истиқболли тармоқ, соҳаларига жалб қилиш ҳисобланади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, пухта ўйланган инвестициялар сиёсати ва инвестицион фаолликсиз инновацион иқтисодиётга ўтиб бўлмайди. Инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигининг мантиқий формуласини

Инв. → Инн. → Иқ.ўсиш. кўринишида ифодалаш мумкин.

Юқоридаги даражага эришиш учун эса фаол инновацион сиёсат юритиш зарур бўлади. Инновация сиёсати – давлат тузилмаларининг инновация жараёнларини фаоллаштириш ва улар ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда иқтисодиёт ва умуман жамиятга таъсир кўрсатишга қаратилган мақсад ҳамда усуллар мажмуасидир[10].

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, инновацион ривожланишнинг моҳияти хусусида ёндашувлар жуда кўп қиррали бўлиб, инновацион ривожланишни кенг қўллашга

³ Муаллиф томонидан тузилган.

инқирозлар, давлатлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши, иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги кабилар таъсир қилади.

Республикамизда иқтисодий ўсишнинг инновацион моделига ўтиш, миллий иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантиришнинг барча омиллари, яъни замонавий ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари, ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик бюrolари, юқори интеллектуал, арзон ишчи кучи, тегишли минерал хомашё базалари мавжуд. Инновацион тизимнинг муҳим унсурларидан бири унинг ташкилий асослари бўлиб, Ўзбекистонда инсон капиталининг сифати даражаси юқори, жисмоний тайёргарлиги, тезкор малакавий ихтисослашув хусусиятига эга. Республикада фан ва таълимни ривожлантириш инфратузилмаси, замонавий кадрлар тайёрлаш, лойиҳа-конструкторлик меҳнатини ташкил этиш усуллари, шакллари, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари ижобий ҳал этилган. Ушбу соҳада иккита долзарб масала мавжуд. Биринчиси, ишлаб чиқариш билан инновацион тизим ўртасида, яъни инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмнинг йўқлиги, иккинчиси, Ўзбекистондаги арзон ва сифатли ишчи кучидан унумли фойдаланиш борасида муайян камчиликлар мавжудлиги.

Инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг қўйидаги жиҳатларини:

- давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг солиқ, бож-тариф, молия-кредит тизимини инновацион ривожланиш модели талаблари ва ривожланиш суръатларига зудлик билан мослаштириш зарур;

- инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш субъектларига хорижий инвесторлар, миллий товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва давлат ташкилотларига солиққа тортиш, бож-тариф сиёсатини қўллаш, кредитлашда алоҳида рағбатлантирувчи ёндашув тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва кенг тадбиркорлар қатламини инновацион маҳсулотларни кенг қамровли ишлаб чиқаришга, тижоратлаштиришга жалб этиш учун давлат томонидан юқорида қайд этилган шароитларнинг яратилиши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бозор механизми ва дастакларининг фаоллашувига, самарали амал қилишига пировардида иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. The Global Innovation Index 2017 «Effective Innovation Policies for Development». Tech Connection 2017, Taylor Vinters Eden Hall September 22, 2017

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли фармони, lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. б.20.

4. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983.с.278-285.

5. Кузнец С. Современный экономический рост: результатов исследований и размышлений. Нобелевская лекция // Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из

России.

6. Сорокин П.А. Главные тенденции нашего времени М.: Наука, 1997.;

7. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз.1962. - С.345.

8. Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. М.: Экономика, 2002.;

12. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати.-Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2017.-204-205-бет.